

## “ҒАРОЙИБ УС-СИҒАР” ДЕВониДАГИ ҒАЗАЛЛАРДА ТАЖНИС САНЪАТИ

Қамаруддин ҚАНИТ

Магистрант

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети  
Тошкент, Ўзбекистон

## ПОЭТИЧЕСКАЯ ФИГУРА ТАДЖНИС В ГАЗЕЛЯХ ДИВАНА «ЧУДЕСА ДЕТСТВА» АЛИШЕРА НАВОИ

Қамаруддин ҚАНИТ

Магистрант

Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы  
имени Алишера Навои  
Ташкент, Узбекистан

## THE POETIC FIGURE OF TAJNIS IN THE GAZELLES OF THE POETRY BOOK DIVAN "MIRACLES OF CHILDHOOD" BY ALISHER NAVOI

Qamaruddin QANIT

Master's student

Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi  
Tashkent, Uzbekistan [qamaruddinqanet@gmail.com](mailto:qamaruddinqanet@gmail.com)

UDC (УЎК, УДК): 821.512.133

Навоий7“Ғаройиб ус-сиғар”

**For citation (иктибос келтириш учун):**

Қанит Қ. “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги ғазалларда тажнис санъати//

Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. — № 6 (41). — Б. 232-245.

<https://doi.org/10.36078/1644604930>

**Received:** October 15, 2021

**Accepted:** December 17, 2021

**Published:** December 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s) and Scientific Research Publishing Inc.

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



**Аннотация.** Ушбу мақолада шеърий санъатлардан бири — тажнис ҳақида баҳс юритилган. Муаллиф ушбу бадий санъатга мумтоз адабиётшуносликдаги фикрлардан келиб чиқиб баҳо берар экан, уларга ўз муносабатини билдиради, муайян хулосаларга келади. Бу масала бўйича ўзбек шеършунослигида мавжуд фикрлар билан бирга эронлик, афғонистонлик олимларнинг тадқиқотларига эътиборни қаратади, уларнинг тажнис соҳасида, умуман шеърий санъатлар билан боғлиқ ишларини амалиётга татбиқ этади. Улар томонидан берилган таърифларга ўз муносабатини билдиради. Шеърий санъатлар ичида тажниснинг ўрни алоҳида. Тажнис шеър бадийлигини кучайтирадиган, сўз ўйинларини ҳосил қиладиган, сўздаги маънонинг хилма-хил товланишларини кўрсатиб берадиган бадий санъатдир. Муаллиф тажниснинг айнан шу сифатларини назарда тутиб, ушбу санъат ва унинг турлари ҳақидаги назарий фикрларини Алишер Навоий ғазаллари мисолида асослаб берган. Шоирнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги ғазалларда истифода этилган тажнис санъати турларининг деярли барчасини ўрганиб чиққан. Тажниснинг ўндан ортиқ турига мисоллар келтириб, уларнинг ғазаллардаги ўрнини аниқлаган, уларни таҳлил қилган. “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги ғазаллардаги тажнис санъатига асосланган байтлар, умуман ғазаллар билан боғлиқ статистик маълумотларни тақдим этган. **Калит сўзлар:** бадий санъат; тажнис; тажнис турлари; ғазал; байт; сўз ўйини; маъно товланиши.

**Аннотация.** В статье рассматривается поэтическая фигура таджнис, которая широко используется в восточной

(арабской, персидской, тюркской) классической поэзии. Исходя из представлений классического литературоведения, автор оценивает эту поэтическую фигуру в классическом тексте, выражает свое отношение к ней, приходит к определенным выводам. Наряду с существующими представлениями в узбекской поэзии по данному вопросу, автор обращает внимание на исследования иранских и афганских ученых, их работы в области таджниса, и в целом изыскания, связанные с поэтическими фигурами. Среди поэтических фигур восточной поэзии особое место занимает таджнис. Таджнис — поэтическая фигура, которая совершенствует художественную окраску газели, формирует словесные игры в бейте, показывает различные варианты значения слова. Автор, имея в виду именно эти качества таджниса, обосновывает свои теоретические взгляды к этой поэтической фигуре и ее видам на примере газелей Алишера Навои. Он исследует почти все виды таджниса, представленные в газелях дивана Навои “Гаройиб ус-сигар” («Чудеса детства»). Иллюстрирует около десяти видов таджниса, определяет их место в газелях, анализирует их. Также автор приводит статистические данные о бейтах газелей в данном диване, где применяется поэтическая фигура таджнис.

**Ключевые слова:** поэтическая фигура; таджнис; виды таджниса; газель; бейт; игра слов; семантика.

**Abstract.** This article discusses the poetic figure tajnis, widely used in Eastern (Arabic, Persian, Turkic) classical poetry. Evaluating this poetic figure in a classical text, based on the ideas of classical literary criticism, the author expresses his attitude towards them and comes to certain conclusions. Along with the existing theories in Uzbek poetry on this issue, the attention is drawn to the studies of Iranian and Afghan scientists, their work in the field of tajnis, in general, associated with poetic figures. Tajnis occupies a special place among the poetic figures of Eastern poetry. It is a poetic figure that improves the poetic coloring of the ghazal, forms word games in the bayt, shows the variety of turns of meaning in the word and different versions of the meaning of the word. The author, bearing in mind precisely these qualities of tajnis, substantiates his theoretical views regarding the types of this poetic figure based on the example of Alisher Navoi's ghazals. He explores almost all types of tajnis, presented in the gazelles of the Navoi divan “Garoyib us-sigar” (“Miracles of childhood”). The examples of about ten types of tajnis are given; their place in the gazels has been determined. In addition, the author presents statistical data on the bayts of gazelles in this divan, where the poetic figure tajnis is used.

**Keywords:** poetic figure; tajnis; types of tajnis; ghazal; bayt; pun; semantics.

**Кириш.** *Тажнис* сўзининг луғавий маъноси жинсдошлик демакдир. Адабий истилоҳ сифатида у лафздашликка асосланган сўз санъатидирки, шаклан бир-бирига ўхшаш, маъноси фарқ қилувчи сўзлар ёрдамида ҳосил бўлади. “Ўзбек адабиёти фарҳанги”да таърифланишича, тажнис (арабча сўз. — ўхшаш, шаклан ўхшаш, ҳамжинс, ҳамшакл) — оғзаки ва ёзма адабиётдаги бадиий санъатлардан... . . . маъно жаҳатидан ҳар хил, аммо шакли бир хил ёки шаклан бир-бирига яқин икки сўзни келтириб, улар воситасида

муайян фикр, лавҳа ёки тимсолни таъсирчан ифодалаш санъати (<http://uz.m.wikipedia.org>) ёки: тажнис — айтиш ва ёзишда бир-бирига мушобих (ўхшаш), бироқ маънода фарқли бўлган сўзларни шеър ёки насрда келтирилишидан иборат (10,7). “Алишер Навоий” комусий луғатида тажнис атамасига қуйидагича таъриф берилган: “Тажнис (ар. — жинсдош, ҳамжинс) — байтда шаклан бир хил ёки бир-бирига яқин сўзларни қўллашга асосланган шеърини санъат. Асосан назмда, баъзан насрда ҳам иситифода этилади” (1,10).

Тажниснинг, туркий халқлар шеъротидаги туюқ жанри билан ўхшашлик томонлари бор. Аммо тажнис билан туюқ айнан бир нарсга бўлмаган, чунки туюқ сўз ўйинига, кўпинча, тажнис қофиясига асосланган тўрт мисрадан иборат бўлган мустақил шеърини жанр ҳисобланади. Туюқда жинсдош сўзлар доимо қофияда қўлланилиб, байтдаги қофиядош сўзлар мураттаб ифодаларни англатади. Тажнисда эса, байт ё жумла таркибида тегишли бўлган сўзларнинг ҳар бири бошқаси билан исталган ўринларда лафздош, шаклдош бўлиши ва уйғунлашиб келиши мумкин. Демак, жинсдошлашиб келган сўзларнинг хусусиятларига асосланиб тажнис турларга бўлинади. Туюқ эса, турларга бўлинмайди. Тажнис лафзий санъатлар қаторига киради. Ушбу бадиий санъат сўзнинг гўзаллигини оширади, ғазалдаги асосий маънонинг ўқувчи ва тингловчига ёқимли етиб боришини таъминлайди, баъзан сўз ўйинига имкон беради. Бу орқали инсонларнинг отифий (ҳис-ғуйғулари) ва ички дунёсига самарали таъсир кўрсатади, сўз бойлигини оширади.

Мумтоз шоирлар жинсдош сўзларни турли маъноларда маҳорат билан қўллаб, чиройли тажнислар яратганлар. Тажнис санъати, адабиёт кўламидан кенгроқ ва аниқроқ йўсинда, Аллоҳнинг китоби — Қуръони карим оятлари ва пайғамбар с.а.в. ҳадислари таркибида ҳам учрайди.

Адабиётда тажнисни бадиийликни кучайтириш, сўз ўйинларини ҳосил қилиш, сўз маъноларининг хилма-хил товланишларини нимоийш қилиш мақсадларида қўллайдилар.

Тажнис санъати, бадиият ҳақидаги илмнинг муҳим мавзуси ҳисобланади. Бадиият илми, оддий сўзнинг, адабий ва бадиий сўз даражасига кўтарувчи йўл-йўриқлардан таълим беради. Бадиият илми, адабиётшунослик фанларининг бир қисми бўлиб, адабий сўзни (шеър ва насрни) бадиий санъатлар билан беаб, сўзнинг адабий латофатини санъатлар воситасида орттирилгани ҳақида таълимот берувчи фандир. Гарчи шеърнинг таъсир ва ҳаёлангизлиги, кўпинча вазн, қофия, ташбих, истиора, мажоз ва кинояларнинг қўлланишига боғлиқ бўлса-да, аммо лафзий сўз безаклари ҳам бадиий асарда гўзаллик ва маънавий руҳ бағишлаши ҳақиқатдан йироқ эмас.

*Бадиий санъат нима?* Оддий сўзнинг гўзаллик бағишловчи эстетик имкониятларини ошириш мақсадида маъно, лафз ва вазн жаҳатидан юз берадиган ҳар бир ўзгариш бадиий санъат деб аталади. Бошқача айтганда, сўзнинг оддий бир луғат даражасидан кенг маъноли сўз даражасига ва оддий товуш даражасидан муסיқийлик даражасига кўтарувчи ҳар бир ҳодиса — бадиий санъатдир. Санъатлар икки — лафзий ва маънавий қисмларга бўлинади, шунингдек, санъатлар *муҳсаноти лафзий ва муҳсаноти маънавий* деб ҳам юритилади. Лафзий санъат ё лафзий-бадиий, ўзининг мавзуига кўра сўз гўзаллигини шаклий ва лафзий томонларини ўрганади (2, 25;

2,76). Бизнинг баҳсимиз ушбу мақолада лафзий бадий санъат тури — тажнис санъати доирасидадир.

*Тажнис турлари.* Тажнис, лафздошлик даражаси ва имлосига қараб томм ва ғайри томм қисмларига бўлинади. Тажниснинг томм қисмидаги жинсдош сўзлар туркуми ўзаро исм, феъл ва ҳарф бўлиб мослашиб келганда, **мутамосил ё мамосил** тажнис дейилади ва агар ҳамжинс ишлатилган сўзларнинг бири феъл ва кейингиси исм бўлганда **муствафо** тажнис деб аталади. Ғайри томм тажнисда, ўхшама — мутажонис сўзларнинг ҳар тўрт шартдан бири (ҳарфлар сони ва тури, тартиби, унли ва ундошга оидлиги, олдин ва кейин келиши) бўйича фарқланиб, ноқис ё муҳарраф, лафзий, лоҳик, хаттий ё тасҳиф, мукаррар, муштак ё мулҳик, зойид, мураккаб ва қалб тажнисларига бўлинади (8, 20–22).

Илми бадеъга оид манбаларда тажнис ҳақида етарли маълумотлар мавжуд. Масалан: Умар Родуёнининг “Таржумон ул-балоға” асарида (XI аср) тажниснинг тўрт тури (тажниси мутлак, тажниси мураккаб, тажниси зойид, тажниси мураддад), Рашидуддин Ватвотнинг “Ҳадойиқ ус-сеҳр фи дақойиқ уш-шеър” (XII аср), “Шамс Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам фи маъойири ашъор ал-ажам” (1218–1233) ҳамда Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” (1436–1437) асарларида етти тури (тажниси томм, тажниси ноқис, тажниси зойид, тажниси мукаррар, тажниси мураккаб, тажниси мутарраф, тажниси хат) келтирилган. Тажнис ҳақидаги нисбатан кенгроқ маълумот Атоуллоҳ Хусайнийнинг “Бадойиъ ус-саное” (XV аср) асарида берилган. Муаллиф дастлаб тажнисни икки катта гуруҳга ажратади:

1. Лафзий тажнис. Бу гуруҳга тажниснинг қуйидаги беш тури киритилган: тажниси томм (тажниси тасриҳ), тажниси ноқис, тажниси музаййал, тажниси музореъ, тажниси лоҳик.

2. Ғайри лафзий тажнис. Бу гуруҳга тажниси хаттий, тажниси мушавваш, тажниси бил-ишора кабилар киритилган.

**Асосий қисм.** Туркий мумтоз адабиётда тажнис кенг қўлланилган. Алишер Навоий ижодида тажниснинг олти тури (тажниси томм ёки мутлак тажнис, тажниси зойид (орттирилган тажнис), тажниси музориъ, тажниси хат, тажниси мукаррар, тажниси мураккаб) кўп истифода этилганини кузатиш мумкин, — дейилади айрим манбаларда (“Алишер Навоий. Қомусий луғат”. Иккинчи жилд. — Тошкент: Sharq НМАК, 2016. 10 -11-б.). Аммо Навоий ижодида тажниснинг бошқа турлари ҳам учрайди. Бизнинг тадқиқотимиз натижасида шоирнинг “Ғаройиб ул-сиғар” девонидаги ғазалларда турли-туман ва беҳисоб сўз безаклари сингари, тажниси қалб, иштиқоқ ва бошқалар кенг ва фаровон ишлатилган.

**1. Тажниси томм ёки мутлак тажнис.** Шаклан бир хил бўлган икки ҳамжинс сўздан иборат мутаносиб сўзларнинг шакли, унли ва ундош ҳарфлар сони, тузилиш тартиби, кўриниш таркиби (ҳаракатлари ва ҳаракатсизликлари)нинг бошқа бир сўзга ўхшаш тушиши, яъни маъно жаҳатидан фарқли бўлган — лафзан бир ва маъноси турлича тўлиқ шаклдошликка асосланган тажнис. Масалан:

« وَ يَوْمَ تَقُومُ السَّاعَةُ يُقْسِمُ الْمُجْرِمُونَ مَا لَبَسْنَا غَيْرَ سَاعَةٍ كَذَلِكَ كَانُوا يُؤْفَكُونَ »  
(Қуръони карим, Рум сураси: 55-оят). Маъноси: *Ва қиёмат бўладиган кунда, гуноҳкорлар бир соат кечиктирмасликка қасам ичадилар [бу дунёда ҳам] улар шу каби ёлгон гапиришардилар.*

Сурада дастлаб келган **соат** сўзи Қиёмат куни маъносини, иккинчи ўринда келган **соат** сўзи бир соат — 60 дақиқани англатади. Сўзларнинг шакли, тартиби, ҳарфлари, ҳаракатлари ва барча лафзий хусусиятлари бир-бирига мувофиқ ва мос келади.

Алишер Навоидан:

*Югурурлар ҳар киртигимга ортилиб бир қатра ёш*

*Шўх ёшлардек ки ўйнарлар чубуқ маркаб қилиб* (“Ғаройиб ус-сиғар”, 55-ғ.)

Юқоридаги байтда **ёш** сўзи икки марта тугал ва тўлиқ жинсдошлашиб келган. Демак, бу икки мутажонис сўз орасида тўлиқ тажнис бор, зеро икки бора ишлатилган **ёш** сўзи, лафзда бир хил бўлиб, маънода бошқача эканлиги кўринади. Яъни биринчи **ёш** сўзи **ашк ё кўз ёш томчиси** деган маънони англатса, иккинчи **ёш** сўздан **ёш йигит ё ўсмир, ўспирин** деган маъно тушунилади.

Яна:

*Закоат ўлур эди юзунг жамоли нақдига меҳр,*

*Тажаммул аҳлига юздин бир ўлса эрди закоат* (“Ғаройиб ус-сиғар”, 75-ғ.)

Байтда икки марта қўлланган тўлиқ жинсдош **юз** сўзининг биринчиси маъноси чеҳра бўлса, иккинчи **юз** сўзи санокни англатади.

Яна:

*Уй бино айлаб ажабтур элни меҳмон айламак,*

*Улки бу уй ичра беш кун меҳмоне беш эмас* (“Ғаройиб ус-сиғар”, 223-ғ.)

Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонида тўлиқ тажнис қўлланган ғазалларни тартиб билан келтирамиз. Демак, **пок** сўзи 324-ғазал таркибида; **кўк** сўзи 393-ғазал таркибида; **ким** сўзи 105- ва 215-ғазаллар таркибида; **мардум** сўзи 515-ғазал таркибида; **меҳр** сўзи 582-ғазал таркибида; **ёш** сўзи 159- ғазал таркибида; **юз** сўзи 231-, 299, 572-, 609-, 610-, 628-ғазаллар таркибида қўлланилган.

**2. Ноқис ё муҳарраф тажнис.** Жинсдошлашган сўзларнинг ҳарфлари бир хил, ҳаракат ё унлилари ҳар хил бўлган сўз санъатига ноқис тажнис дейилади (12, 2) Мисоллар:

*Базми васлидин йироқ оғзимда хумдек муҳр эрур,*

*Тонг эмас қонимга майдек меҳр ўтидин тушса жўш* (“Ғаройиб ус-сиғар”, 25-ғ.).

Байтдаги **муҳр ва меҳр** сўзлари орасидаги бадиий боғлиқлик ноқис тажнисдир, чунки бу сўзлардаги ҳарфлар бир хил, аммо маъно ва ҳаракатлари ҳар хилдир. Яъни биринчи **муҳр** сўзи тамға маъносини англатса, иккинчи мисрадаги **меҳр** сўзида шавқ ва муҳаббат маънолари ифодаланган. Ҳамда:

*Туз бўл ўқтек гар тиларсен авж, ёким, эGRIDур,*

*Давр ҳар бир гўшадин бўғзига солиптур керии* (“Ғаройиб ус-сиғар”, 258-ғ.).

Байт таркибидаги **дур ва давр** сўзлари шакл жаҳатидан бир-бири билан тўла ўхшаш (араб ёзувида кўриниши назарда тутилмоқда), аммо айтилиши жиҳатидан бир оз фарқли ва ҳар бири алоҳида маънони англатади. Масалан: биринчи **дур** сўздан форсчадаги **ҳаст** деган тушунча кўзланган бўлса, кейинги **давр** сўзи **замон/вақт** маъносини англатади.

Девондаги ғазалларда ҳам ноқис тажнис қўлланилган, жумладан: **давр** — **дур** сўзи 345- ва 507-ғазаллар таркибида; **умр** — **умар** сўзи 528-ғазал таркибида учрайди.

**3. Тажниси лафз.** Лафзий тажнисда жинсдош сўзларнинг ёзилиши ҳар хил, талаффузи бир-бирига яқин бўлиб келади. Лафз тажниси ислом доират ул-маъорифида муташобих тажнис деб қайд этилган; унда *read* (ўқимоқ) ва *reed* (най) маъносини англаторчи инглизча сўзлар ҳам мисол қилиб келтирилган. Нажафийнинг шу масалалар ўрганилган “Дурра” асарида ховн — хон ва хўрд — хурд каби сўзларни лафзий жунос деб киритилган, зеро ушбу сўзларнинг айтилиши яқин, деярли бир хил бўлиб, ёзилишида фарқи бор. Баъзилар **нозира** ва **нозира** сингари сўзларни ҳам лафзий жунос деб эътибор қаратганларки, аммо арабча алифбо билан ёзилганда фарқи сезилиб қолади (11, 55). Масалан:

Дема кўктин қуёш кетмиш, фалакка тиралик **етмиш**,

Ул ой ҳижрида тор **этмиш** фалакни дуди афғоним (“Ғаройиб ус-сигар”, 403-ғ.).

Яна:

*Ул пари қўнғлумда меҳмон ўлмиш, ай жон воқиф ўл,*

*Оҳ ўти дуд этмасун, захм ичра пайкон бўлмасун* (“Ғаройиб ус-сигар”, 468-ғ.).

Ул ва ўл икки ўхшама мутажонис мустақил сўздирки, сўзларнинг унлилари бир-биридан фарқ қилади.

اول پرى كۆنگلومده مهمان اولميش، اى جان واقف اول، آه اوتى دود اپتمهسون، زخم  
ايچره بيكان بولمهسون.

Девонда ушбу тажнисга оид байтлар қуйидаги ғазалларда келганини кузатамиз:

248-ғазал таркибидаги **иш** — **эш** сўзи ва 506-ғазал таркибида **дур** — **дур** сўзларини ҳамда 591-ғазал таркибидаги **етти** — **этти** сўзларини келтириш мумкин.

**4. Хаттий ё тасхиф тажнис.** Хаттий тажнисда сўзларнинг нуқталари қандай қўйилишидан қатъи назар (араб ёзувидаги сўзлар назарда тутилган), шакллари бир хил бўлган тажнис турига, хаттий тажнис ё мусхаф дейилади. (Араб ёзувидаги сўзларнинг фақат нуқталар орқали фарқланишига асосланган тажнис). Масалан:

*Эй кўнгул, гар кимса аҳволим демас ёр олида,*

*Хотирим кимдин малул ўлсун, кимим бор олида* (“Ғаройиб ус-сигар”, 26-ғ.).

Юқоридаги байтда **ёр** ва **бор** (يار ва بار) сўзлари нуқталаридан қатъи назар бир хил шаклга эга. Икки сўз орасида ўхшашлик хусусияти боис тажниснинг бу тури хаттий тажнис деб аталади. Яна мисоллар келтирамиз ва **айб** — **ғайб** ва **хол** — **хол** сўзлари иштирокидаги байтларга эътибор қаратамиз:

*Оғзининг сирри манга маълум агар эрмас не айб,*

*Ҳеч кимга заррайи чун бермамиш ҳақ илми ғайб* (“Ғаройиб ус-сигар”, 51-ғ.).

*Чун дедим: холинг била кўз мардумининг ҳоли бор,*

*Деди улким: хол деясен, нуқтасиз ҳам хол эрур* (“Ғаройиб ус-сигар”, 195-ғ.).

Қуйида шоирнинг ушбу девонидаги ғазалларда қўлланилган хаттий тажнислар қўлланилган ғазаллар ҳақида маълумот берамиз:

**Они** — **оти** сўзлари - ғазал таркибида; **ит** — **ип** сўзлари 63-ғазал таркибида; **бўй** — **пўй** сўзлари — 409-ғазал таркибида; **бер** — **пир**

сўзлари 26-ғазал таркибида; **бир** — **ер** сўзлари 247-ғазал таркибида; **пора** — **ёра** сўзлари 403-, 599-ғазаллар таркибида; **тоб** — **ноб** сўзлари 194-ғазал таркибида; **тош** — **бош** сўзлари 8- ғазал таркибида; **тано** — **яно ва ано** — **ато** сўзлари 39-ғазал таркибида; **чарх** — **харж** сўзлари 94-ғазал таркибида; **холи** — **холи** сўзлари 176- ва 195-ғазаллар таркибида; **айб** — **ғайб** сўзлари 51-ғазал таркибида; **қайд** — **қанд** сўзлари 115-ғазал таркибида; **ноз** — **ёз** сўзлари 595-ғазал таркибида; **не** — **бе** сўзлари 45-ғазал таркибида; **ёр** — **бор** сўзлари 119-, 182-, 212-, 255-, 392-, 611-ғазаллар таркибида; **ёра** — **пора** сўзлари 64- ва 509-ғазаллар таркибида; **ёшим** — **бошим** сўзлари 396-, 568-, 619-ғазаллар таркибида; **ют** — **тут** сўзлари 415-ғазал таркибида; **ютуб** — **тутуб** сўзлари 53- ғазал таркибида; **юрай** — **турай** сўзлари 617-ғазал таркибида; **ер** — **бер** сўзлари 497-ғазал таркибида; **ёр** — **боз** сўзлари 274-ғазал таркибида; **пора** — **ёра** сўзлари 403-ғазал таркибида; **юз** — **нур** сўзлари 442-ғазал таркибида хаттий тажнис бўлиб келган.

**5. Тажниси зойид (Орттирилган тажнис).** Шаклан яқин сўзларнинг бирида бир- икки ҳарфнинг ортиқча бўлишига асосланган тажнис. Масалан: **озор** — **зор** (1). Жинсдош ёки лафздош сўзларнинг олдида, ўртасида ва сўнгида бир ё икки ҳарф орттирилганда жунос зойид дейилади. Масалан: **суд** — **ҳасуд**, **махрам** — **мухтарам**, **анжуман** — **анжум**. Тартиб билан **ҳ** — **т** — **н** ҳарфлари зойид келтирилган (4). Шунингдек, биринчи мутажонис сўздан иккинчиси бир ё неча ҳарф ортиқча бўлиб келса, бу — зойид тажнисдир. Демак, сўз таркибидаги орттирилган зойид товуш, сўзнинг олди, ўртаси ва сўнгида ҳам келиши мумкин (9, 3).

Эронлик олим Сирус Шамисо тажниси зойид ҳақида фикр билдириб, унинг уч турини таъкидлайди ва улар “орттирилган ҳарфларнинг ўрни ва сонига қараб, мухталиф ул-аввал (жуноси мазид), мухталиф ул-васат (жуноси васат), ва мухталиф ул-охир (жуноси музайял) деб номланган” (11, 66–69). Бизнингча, мухталиф сўзининг ушбу ўринда ишлатилиши деярли мослашиб келмаган, чунки тажниси зойидда айнан қўлланилган мутажонис сўзларининг ҳарфлари бири бошқасидан бир ё иккитага ошиб келади ва ушбу ортиқча келган ҳарфлар сўзнинг уч жойида келиши мумкин; шунга биноан мухталиф сўзининг ўрнида мазид атамаси берилиб, мазид ул-аввал, мазид ул-васат ва мазид ул-охир бирикмалари қўлланилганда маъқул бўларди. Тажниси зойидни Шамисодан бошқа ҳеч ким бундай тасниф қилмаган.

Алишер Навоий ғазалларидан тажниснинг ушбу турига мисоллар келтирамиз:

*Ғунчанг анфоси насими заврақи жон қасдиға*

*Еткурур ҳар дам адам дарёсидин мавжи фано* (“Ғаройиб ус-сиғар”, 37-ғ.).

Байтдаги **дам ва адам** сўзлари ўртасида зойид тажнис бор, чунки **дам** сўзига нисбатан **адам** сўзининг аввалида бир ҳарф — **айн** ҳарфи орттирилган.

*Жому май гар бўйладур, ул жом учун қилмоқ бўлур,*

*Юз жаҳон ҳар дам нисор, ул май учун минг жон фидо* (“Ғаройиб ус-сиғар”, 1-ғ.).

**Жаҳон** сўзининг **хо** товуши **жон** сўзига нисбатан ортиқ, шунга биноан зойид тажнис деб аталади.

*Анжуман аҳли юзин гулгун қилоли май била,*

*Меҳрдин топқунча анжум гуллари бир-бир шикаст* (“Ғаройиб ус-сигар”, 77-ғ.).

**Анжуман ва анжум** сўзлари ўзаро ҳарфларга нисбатан мутаҷонис бўлган, аммо **анжуман** сўзининг сўнгида нун ҳарфи зойид (ортиқ) келган, шунга асосан, орттирилган тажнис дейилади.

*Тасбеҳни май раҳни қил, ҳар донага майл этмагил,*

*Ғар истасанг кўнглунг қушин сайд этмагай бу домгаҳ* (“Ғаройиб ус-сигар”, 557-ғ.).

*Жон бериб олдим жунуну ишқ то бўлдум фано,*

*Аллоҳ-аллоҳ ул не хуш савдо, бу не хуш суд эрур* (“Ғаройиб ус-сигар”, 136-ғ.).

*Қошу қаду зулфидин пайваста то наълу алиф,*

*Танда кестим, ноладин озурда жисми нол эрур* (“Ғаройиб ус-сигар”, 195-ғ.).

*Шавқ аро гаҳ мўядин бўлмоқ керак андоқ ки мўй,*

*Ҳижр аро гаҳ ноладин андоқ ки нол ўлмоқ керак* (“Ғаройиб ус-сигар”, 333-ғ.).

Девондаги ғазалларда қўлланилган зойид тажнисга оид маълумотларни келтирамиз: **учун** — **учқун** сўзлари 443- ғазал таркибида; **жаҳон** — **жон** сўзлари 166-ғазал таркибида; **халос** — **хос** сўзлари 271-ғазал таркибида; **хам** — **хасм** сўзлари 540-ғазал таркибида; **хуш** — **ваш** сўзлари 256-ғазал таркибида; **диёр** — **ёр** сўзлари 204-ғазал таркибида; **ситез** — **тез** сўзлари 210- ғазал таркибида; **суд** — **савдо** сўзлари 123-, 169-, 438-, 631-ғазаллар таркибида; **сайр** — **сар** сўзлари 7-ғазал таркибида; **шаҳр** — **шаҳ** сўзлари 265-ғазал таркибида; **олим** — **алам** сўзлари 464-ғазал таркибида; **қадам** — **дам** сўзлари 286- ғазал таркибида; **мойил** — **хамойил** сўзлари 382-ғазал таркибида; **махрам** — **мухтарам** сўзлари 501-ғазал таркибида; **мўя** — **мўй** сўзлари 333-ғазал таркибида; **май** — **майл** сўзлари 557-ғазал таркибида; **нолаҳ** — **нол** сўзлари 195-ғазал таркибида; **нихон** — **пинҳон** сўзлари 277- ва 392-ғазаллар таркибида; **ёмон** — **амон** сўзлари 443-ғазал таркибида; **махрум** — **махрам** сўзлари 6-ғазал таркибида; **Жом** — **жам** сўзлари 16- ва 105-ғазаллар таркибида; **таб** — **тоб** сўзлари 194- ғазал таркибида; **ноз** — **ниёз** сўзлари 201- ғазал таркибида; **бас** — **бўс** сўзлари 328 ғазал таркибида; **тараф** — **турфа** сўзлари 12-ғазал таркибида; **давр** — **дав** сўзлари 29-ғазал таркибида; **анжуман** — **анжум** сўзлари 77- ғазал таркибида; **шаҳ** — **шаҳр** сўзлари 265-ғазал таркибида; **илс** — **уйла** сўзлари 83-ғазал таркибида; **руҳ** — **мажруҳ** сўзлари 93-ғазал таркибида; **қуёш** — **ёш** сўзлари 245- ғазал таркибида; **ором** — **дилором** сўзлари 84-ғазал таркибида; **уй** — **уйла** сўзлари 166-ғазал таркибида; **ғаниймат** — **ғаний** сўзлари 207-ғазал таркибида; **давр** — **даврон** сўзлари 207-ғазал таркибида; **муғаний** — **мағоний** сўзлари 225-ғазал таркибида; **руҳ** — **мажруҳ** сўзлари 102-ғазал таркибида; **хаёлий** — **хилий** сўзлари 108-ғазал таркибида; **ком** — **ноком** сўзлари 110-ғазал таркибида; **кўк** — **кавкаб** сўзлари 162-ғазал таркибида; **ўтун** — **ўт** сўзлари 162- ва 204-ғазал таркибида; **хол** — **хаёл** сўзлари 171-ғазал таркибида; **учун**—**чун** сўзлари 172-ғазал таркибида; **гўр** — **гўри** сўзлари 172-ғазал таркибида; **ай** — **вой** сўзлари 175-ғазал таркибида; **хамдам** — **дам** сўзлари 200-ғазал таркибида; **ёр** — **ё** сўзлари 200-



ғазал таркибида; **била** — **биласиз** сўзлари 203-ғазал таркибида; **диёр** — **ёр** сўзлари 204-ғазал таркибида; **хумор** — **хор** сўзлари 204-ғазал таркибида; **замона** — **замон** сўзлари 215-ғазал таркибида; **бахр** — **бар** сўзлари 216-ғазал таркибида истифода этилган.

**6. Қўшма ё мураккаб тажнис.** Тажниснинг ушбу турида икки мутажонис сўз мураккаблашиб бириккан ҳолда келади, мутажонис бўлиб келган сўзлар кунт билан ўқишни талаб қилади. Ўқилишидан тушуниладиган сўзлардан бирининг содда, иккинчисининг мураккаб бўлиши боис у мураккаб тажнис дейилади; яъни “шаклдош сўзларнинг бири — яхлит бир сўздан, иккинчиси — икки сўздан иборат бўлиши орқали вужудга келадиган тажнис. Масалан :

*Чарх тортиб ханжари ҳижрон бу тун,*

*Қўймади бир зарра бағримни бутун.*

*Тунга бориб бизни беҳол айладинг,*

*Не балолиг ёр эмиш ёраб бу тун* (“Бадойиъ ул-васат”, 6-туюк).

Гарчи ушбу қўшма мутажонис сўзлар туюқ шеъри жанрининг талабига кўра қофиядош бўлиб келгани ва унинг пухта қўлланилгани яққол сезилса-да, аммо тажнис санъати сингари сўз ўйинини ҳосил қилиб, турли ўринларда келмаган. Мураккаб тажнисларга мисоллар келтирамиз:

*Ҳар лабинг ўлганни тиргузмакда, жоно, жон эрур,*

*Бу жаҳатдин бир-бириси бирла жоножон эрур* (“Ғаройиб ус-сиғар”, 168-ғ.).

Юқоридаги байтда **жоно**, **жон** ва **жоножон** сўзлари орасида мураккаб тажнис борлиги сезилади. Демак, ушбу бирикмада сўзлар орасидаги сўз ўйини диққатни тортади. Яъни биринчи мутажонис сўзнинг онломи ундов феъли билан мақсад томон борганда, иккинчи қўшма сўзнинг маъносида ўта самимийлик ифодаланади:

*Йўқ Навоий бедил оромий гам ичра, эй рафиқ,*

*Ҳолини зинҳорким, кўрсанг дилоромимга айт* (“Ғаройиб ус-сиғар”, 84-ғ.).

**7. Лоҳиқ тажнис:** икки жинсдош ва лафздош сўз таркибидаги ҳарфларнинг биттаси фарқли ё алоҳида махражли бўлса, лоҳиқ тажнис дейилади. Масалан: **арш ва фарш** икки мутажонис сўздан иборатки, икковининг бошланишидаги товуш бир-биридан фарқ қилади. Аммо сўзни ўзгартириб келаётдиган ҳарф сўзнинг биринчи ё иккинчи ҳарфига тўғри келса, тажниси **музориъ** ва жинсдош сўзларнинг сўнгги товуши ўзгариб келганда, тажниси мутарраф деб юритилади.

*Рафиқинг тойир андоқким Сулаймон олида худҳуд,*

*Буроқинг сойири анжум шоҳи устида ситхр осо .*

Юқоридаги байтда **тойир ва сойир** сўзлари орасида **лоҳиқ музориъ** тажнис бор, чунки ҳамжинс сўзларнинг биринчи ҳарфлари мухталиф келган, у ҳам бўлса, **то ва син** ҳарфларидир. Шунингдек, **очар** — **қочар**, **мен** — **сен**, **нўш** — **неш**, **руҳ** — **роҳ**, **уй** - ул сўзлари орасида лоҳиқ тажнис мавжуд, зеро ҳар икки ҳамжинс сўзнинг биринчи ё иккинчи ё учинчи ҳарфлари ўзгариб келган.

*Шаҳ юруб олам очар, дарвеш оламдин қочар,*

*Ҳам ўзунг инсоф бергил ким бу не нисбат анго* (“Ғаройиб ус-сиғар”, 8-ғ.).

*Мену муғ дайри аро муғбача бошида гулу,*

*Сену зухд аҳли била масжиду меҳроб тўла* (“Ғаройиб ус-сиғар”, 32-ғ.).

*Дема санчиб неши ҳижрон еткурди нўши васол,  
Чун бу нўшунг ўлтуруб ул неш ҳам санчилди тут* (“Ғаройиб ус-сиғар”, 70-ғ.).

*Ҳаётбахш лабинг руҳ эмиштук эй, соқий,  
Магарки вовини эълол этиб қилибсен роҳ* (“Ғаройиб ус-сиғар”, 103-ғ.).

*Даҳр судидин тамаъ узким, зиёне беш эмас,  
Умрни тутқил ганиматким, замоне беш эмас* (“Ғаройиб ус-сиғар”, 223-ғ.).

*Уй бино айлаб ажабтур элни меҳмон айламак,  
Улки бу уй ичра беш кун меҳмоне беш эмас* (“Ғаройиб ус-сиғар”, 223-ғ.).

Девондаги ғазалларда лоҳик тажниси қайси сўзлар ёрдамида қўлланганини келтирамиз:

**Об** — **тоб** сўзлари 42-ғазал таркибида; **очар** — **сочар** сўзлари 157- ғазал, таркибида; **ошуфта** — **олуфта** сўзлари 163-ғазал таркибида; **оҳ** — **гоҳ** сўзлари 149-ғазал таркибида; **ойим** — **ройим** сўзлари 540-ғазал таркибида; **адо** — **фидо** сўзлари 436-ғазал таркибида; **аро** — **қаро** сўзлари 218-ғазал таркибида; **амон** — **замон** сўзлари 412-ғазал таркибида; **ўк** — **ўт** сўзлари 405- ва 610-ғазаллар таркибида; **эмас** — **эман** сўзлари 376-ғазал таркибида; **бош** — **боқ** сўзлари 464-ғазал таркибида; **боғ** — **чоғ** сўзлари 555-ғазал таркибида; **боғ** — **доғ** сўзлари 297 - ғазал таркибида; **бой** — **ой** сўзлари 630 - ғазал таркибида; **бас** — **хас** сўзлари 640-ғазал таркибида; **баст** — **даст** сўзлари 46-ғазал таркибида; **бўй** — **хўй** сўзлари 409-ғазал таркибида; **бермас** — **эрмас** сўзлари 45-ғазал таркибида; **бил** — **бир** сўзлари 501-ғазал таркибида; **пак** — **хок** сўзлари 329-ғазал таркибида; **пари** — **дари** сўзлари 576-ғазал таркибида; **пас** — **хас** сўзлари 230-ғазал таркибида; **пуя** — **поя** сўзлари 290-ғазал таркибида; **тош** — **тиш** сўзлари 182-ғазал таркибида; **том** — **тош** сўзлари 162-ғазал таркибида; **тун** — **қун** сўзлари 91-, 190-, 295-, 580-, 582-ғазаллар таркибида; **тенг** — **кенг** сўзлари 344-ғазал таркибида; **жом** — **жон** сўзлари 7-ғазал таркибида; **жоним** — **ёним** сўзлари 525-ғазал таркибида; **жафо** — **вафо** сўзлари 143-, 183-, 408-, 448-, 506-, 562-, 574-ғазаллар таркибида; **хол** — **сол** сўзлари 433-ғазал таркибида; **ханж** — **ланж** сўзлари 92-ғазал таркибида; **ханд** — **қанд** сўзлари 135- ва 539-ғазаллар таркибида; **доғ** — **чоғ** сўзлари 147-ғазал таркибида; **доғи** — **ёғи** сўзлари 555-ғазал таркибида; **дом** — **ром** сўзлари 428-ғазал таркибида; **даф** — **каф** сўзлари 308-ғазал таркибида; **давр** — **дайр** сўзлари 308-ғазал таркибида; **даҳр** — **заҳр** сўзлари 428-ғазал таркибида; **раф** — **наф** сўзлари 506-ғазал таркибида; **зиён** — **замон** сўзлари 223-ғазал таркибида; **солғой** — **қолғой** сўзлари 62-ғазал таркибида; **сар** — **зар** сўзлари 80-ғазал таркибида; **сам** — **дам** сўзлари 200-ғазал таркибида; **шом** — **жом** сўзлари 78-ғазал таркибида; **сафир** — **сарир** сўзлари 193-ғазал таркибида; **ғам** — **кам** сўзлари 200-ғазал таркибида; **ғам** — **нам** сўзлари 200-ғазал таркибида; **ғам** — **ҳам**

сўзлари 222-ғазал таркибида; **фош** — **тош** сўзлари 246-ғазал таркибида; **фош** — **ёш** сўзлари 259-ғазал таркибида; **фалак** — **малак** сўзлари 39-ғазал таркибида; **фано** — **лано** сўзлари 39-ғазал таркибида; **қош** — **қон** сўзлари 34-ғазал таркибида; **қолиб** — **солиб** сўзлари 54-ғазал таркибида; **қон** — **жон** сўзлари 96- ва 170-ғазаллар таркибида; **қон** — **хон** сўзлари 227-ғазал таркибида; **қон** — **қон** сўзлари 583-ғазал таркибида; **қадам** — **адам** сўзлари 34-ғазал таркибида; **қаро** — **яро** сўзлари 218-ғазал таркибида; **қуш** — **хуш** сўзлари 355-ғазал таркибида; **қиш** — **киш** сўзлари 288-ғазал таркибида; **қилур** — **билур** сўзлари 189-ғазал таркибида; **ком** — **дом** сўзлари 428-ғазал таркибида; **камол** — **жамол** сўзлари 101-ғазал таркибида; **этмиш** — **етмиш** сўзлари 403-ғазал таркибида; **киши** — **иши** сўзлари 102-ғазал таркибида; **кин** — **чин** сўзлари 54-ғазал таркибида; **гар** — **хар** сўзлари 248-ғазал таркибида; **ганж** — **ранж** сўзлари 92-ғазал таркибида; **лола** — **жола** сўзлари 440- ва 440-ғазаллар таркибида; **лола** — **нола** сўзлари 555-ғазал таркибида; **моҳим** — **оҳим** сўзлари 423-ғазал таркибида; **маст** — **даст** сўзлари 77-ғазал таркибида; **мў** — **сў** сўзлари 510-ғазал таркибида; **май** — **най** сўзлари 581-ғазал таркибида; **нам** — **дам** сўзлари 160-ғазал таркибида; **нўш** — **неш** сўзлари 70-ғазал таркибида; **ниҳон** — **жаҳон** сўзлари 214-ғазал таркибида; **вах** — **рах** сўзлари 403-ғазал таркибида; **ҳавас** — **ҳаво** сўзлари 226-ғазал таркибида; **ёд** — **шод** сўзлари 126-, 353-, 568-ғазаллар таркибида; **ёш қош** сўзлари 268-ғазал таркибида; **етти** — **нетти** сўзлари 591-ғазал таркибида; **Ўзга** — **Сўзга** сўзлари 209-ғазал таркибида; **юз** — **ёз ва тез** — **хез** сўзлари 210-ғазаллар таркибида; **васл** — **фасл** сўзлари 210-ғазал таркибида; **қаро** — **яро** сўзлари 218-ғазал таркибида; **эл** — **тил** сўзлари 220-ғазал таркибида; **ғам** — **хам** сўзлари 222-ғазал таркибида; **уй** — **ул** сўзлари 223-ғазал таркибида; **қир** — **қим** сўзлари 223-ғазал таркибида; **иш** — **эл** сўзлари 223-ғазал таркибида; таркибида; **шом** — **жом** сўзлари 77-ғазал таркибида; **санга** — **манга** сўзлари 225-ғазал таркибида; **олим** — **ҳолим** сўзлари 158-ғазал таркибида; **тош** — **теш** сўзлари 182-ғазал таркибида; **сам** — **дам** сўзлари 200-ғазал таркибида; **ун** — **ул** сўзлари 227-ғазал таркибида; **бир** — **биз** сўзлари 228-ғазал таркибида; **кас** — **бас** сўзлари 235-ғазал таркибида учрайди.

**8. Иштиқоқ тажнис:** Иштиқоқ луғатларда “сўздан сўзни ажратмоқ” деган маънода изоҳланган. Адабий истилоҳ сифатида байт ёки жумла таркибидаги ўзакдош сўзларни маҳорат билан қўллаш санъатига иштиқоқ тажниси деб таъриф берилади. Алишер Навоий ушбу бадий санъат ёрдамида гўзал ғазаллар битган.

*Зиҳи васолингга толиб тутуб ўзин матлуб,*

*Муҳаббатдин отингни ҳабиб атаб маҳбуб* (“Ғаройиб ус-сиғар”, 40-ғ.).

Байтдаги **толиб** — **матлуб** ҳамда **ҳабиб** — **маҳбуб** жуфтлигидаги сўзларнинг негизи битта бўлганлиги учун иштиқоқ тажниси деб аталади, зеро ушбу сўзларнинг асоси — илдизи **талаб** ва **ҳуб** сўзларидир. Демак, ана шу икки гуруҳ сўзлар бир масдардан ажралганлиги учун, иштиқоқ тажниси дейилади.

*Ҳалол бўлди хароботи ишқ аҳлига май,*

*Тутарбиз аҳли вараъ кимки они тутса мубоҳ* (“Ғаройиб ус-сиғар”, 103-ғ.).

*Толиб улким топмасанг доғи бу баским, айламас,*

*Бир нафас гофил сени матлуб* ёдидин *талаб* (“Ғаройиб ус-сигар”, 45-ғ.).

Юқоридаги байтда **толиб** — **матлуб** сўзлари орасида иштиқоқ тажнис бор, чунки толиб ва матлуб, талаб сўздан муштак бўлган.

*Ғарқ ўлай май баҳри ичра рост ўл зоятқача,*

*Ким, солиб бўззум аро чеккай ажал қуллоби шаст* (“Ғаройиб ус-сигар”, 76-ғ.).

*Меҳр таркин қилибон наст, фалак раҳшидин ўтти,*

*Аллоҳ-аллоҳ, не бу не рокибдуруру, ваҳ, бу не маркаб* (“Ғаройиб ус-сигар”, 46-ғ.).

**9. Шибҳи иштиқоқ.** Жинсдош сўзларнинг ўхшашлик томонлари бир негизли бўлиб тушунилганда, мутажонис сўзлар шибҳи иштиқоқ деб англашилади. Масалан, **анжуман ва анжум** сўзларининг негизи ягонадек туюлади, аммо ҳар бири алоҳида мустақил сўз сифатида алоҳида маъно англатади.

*Анжуман аҳли юзин гулгун қилоли май била,*

*Меҳрдин топқунча анжум гуллари бир-бир шикаст* (“Ғаройиб ус-сигар”, 77-ғ.).

Ғазалларда қўлланилган шибҳи иштиқоқ тажнисга оид мисолларни девондаги ғазаллар рақами бўйича келтирамиз:

**Бало** — **билол** сўзлари, 51-ғазал таркибида; **сахбо** — **сухайб** сўзлари, 51-ғазал таркибида; **шабоб** — **шайб** сўзлари 51-ғазал таркибида; **ваъда** — **ваъийд** сўзлари, 127-ғазал таркибида; **савдо** — **суд** сўзлари 169-ғазал таркибида; **хол** — **хаёл** сўзлари 171-ғазал таркибида; **мақбул** — **иқбол** сўзлари, 195-ғазал таркибида; **ноз** — **ниёз** сўзлари 201-ғазал таркибида; **ром** — **ором** сўзлари 224-ғазал таркибида; **насим** — **нисон** сўзлари 207-ғазал таркибида; **ганимат** — **ганий**.

**10. Тажниси мукаррар ё муздавиж.** Шаклан бир-бирига яқин икки сўзнинг мисра охирида ёнма-ён келишига асосланган тажнис. Бунда тажниснинг ҳар бир тури келтирилган бўлиши мумкин. Масалан:

*Ишқ эрур андоқ мураббийким, келур эткач асар,*

*Булбул ўлғай очса юз бир сарви гул рухсор-сор* (Бадойиё ул-васат 158-ғ.).

*Ай кўнгул ёрсиз сенга не бор, бор*

*Қайда ким ул зулфи анбар бор, бор*

*Чек жафоу жавр нози борни*

*Бир кун ўлғой ким дегайлар бор, бор* (Мавлоно Лутфи Ҳиравий, 4-туяқ).

Юқоридаги байтларда зойид, тўлиқ тажнис мисралар сўнгида қўлланилган.

**Изоҳ.** “Ғаройиб ус-сигар” девонидаги ғазалларда мукаррар тажнис қўлланилган байтлар учрамади.

**11. Қалб.** Қалб тажнисининг белги ё моҳияти шундаки, икки мутажонис сўздан бирининг ҳарфлари, тескари тартибда мос келади; ушбу санъат икки турга ажралиб, биринчиси қалби кулл ё комил ва иккинчиси қалби баъз ё мустави номи билан юритилади. Жумладан:

**а)** ҳамжинс сўзларнинг ҳарфлари тартиб юзасидан тескари ўқилганда, қалби кулл дейлади; масалан:

*Ҳаётбахш эса ул ҳур аксидин бода,*

*Маҳалли ҳайрат эмас, хур аксин дур руҳ* (Ғаройиб ус-сиғар, 102-ф.);

**б)** икки ҳамжинс сўзнинг ҳарфлари, бир-бирига тартибсиз равишда ўзгартирилган ҳолда қўлланилса, қалби баъз деб аталади; масалан: (اللَّهُمَّ اسْأَلُكَ عَوْرَاتِنَا وَ آمِنَ رَوْعَاتِنَا (رسول اکرم ص حدیث لری):  
Ёки:  
*Қаноатнинг далилин инзиво қилдинг яна бир ҳам,*  
*Далил ушбу ки қониъ ҳарфидин хал айладинг анқо* (Ғаройиб ус-сиғар, 2-ф.)

*Хуш улки, ёр фироқшо ё кўнгул гамидин*  
*Тамом умрида бир лаҳза эрди мотамсиз* (Ғаройиб ус-сиғар, 200-ф.).

*Ошуруб ҳаддин Навоий ҳам ниёзу ажзини,*  
*Ёр истиғнову нози ҳар неча ҳаддин ошиб* (Ғаройиб ус-сиғар, 61-ф.)

*Изоҳ.* Тажниси қалбада, агар икки ҳамжинс сўздан бири, байтнинг бошида ва иккинчиси байтнинг охирида келтирилса, уни қалби мужаннаҳ деб ҳам атайдилар,

*Изоҳ.* Мужаннаҳ турга оид шеръий намуна, “Ғаройиб ус-сиғар” девонидаги ғазалларда учрамади.

**Хулоса.** Бадиий жиҳатдан мукамал бўлган Алишер Навоий ғазалларида бошқа шеърий санъатлар каби тажниснинг ўрни муҳим. Шоир ўзининг фалсафий-ирфоний, маърифий ғояларини, ўз руҳиятини ифодалашда, ишқнинг нозик кирраларини тасвирлашда ушбу лафзий санъатнинг ўнлаб турларидан фойдаланди ва ғазал жанрининг юксак мақомга кўтарилишида ушбу шеърий санъатнинг вазифаларини кўп жиҳатдан белгилаб берди.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Алишер Навоий. Қомусий луғат. Иккинчи жилд. — Тошкент: SHARQ HMAK, 2016. — 480 б.
2. Амийнӣ Муҳаммадқозим. Адабий фанлар (бадий ва баён қисми). — Маймана: Бангоҳ чоп шамол: Нашриятӣ озоди Маймана, 1390 ҳижр. — 180 б.
3. Аҳмад Наҷод Комил. Фунуни адабий. — Техрон: Интишороти Поё, 1382-ҳижр. — 162 б.
4. Ишонч Зикруллаҳ, Муҳаммад Олим Кўҳкан. Ўзбек адабиёти фарҳанги. — Форёб: Форёб давлат матбаъаси: Амир Алишер Навоий Фарҳанги анжумани нашриёти, 1374 ҳижр. — 370 б.
5. Калимоти Қуръони карим. — Қум: Usva. 1388 ҳижр. 800 б.
6. Навоий Низомуддин. Ғаройиб ус-сиғар. Иккинчи жилд, — Moliziyo: Global partners., 2008-милодий. — 479 с.
7. Олтой Нуруллаҳ. Ўзбек тили сўзлиги. — Moliziyo: Global partners, 2007. — 420 б.
8. Ранжбар, Аҳмад. Бадиий. — Техрон: Асотир, 1385 ҳижр. — 139 б.
9. Санойи Ғазнавий, Муҳаммадақбар. Гулистони латофат. Биринчи нашр. — Пешовар: Майван интишороти. 1382 ҳижр. — 190 б.

10. Хуросоний Муҳаммадхорун. Бадиий ва баён. — Кобул: Интишороти Обид ва интишороти Муҳаммад Рафиқ. 1394 ҳижр. — 211 б.
11. Шамисо Сирус. Нигоҳи тозайи ба бадиий. Ўн тўртинчи нашр. — Техрон: Интишороти Фирдавс, 1383 ҳижр. — 211 с.
12. Ҳафизий Жавзжоний, Муҳаммад Яҳё. Адабий фанлар. — Жавзжон: Заҳируддин Муҳаммад Бобур анжумани нашриёти, 1378 ҳижр. — 162 б.

### References

1. Alisher Navoi, *Qomusii lugat* (Encyclopedic dictionary), Second volume, Tashkent: Sharq NMAK, 2016, 800 p.
2. Aminiy Mukhammadkozim, *Adabii fanlar (badii va baen qismi)* (Literary Sciences (part of the science fiction and statement)), Maymana: Bangoh published wind: Publishing House Ozodi Maymana, 1390 hijr, 180 p.
3. Ahmed Nacad Kamil, *Fununi adabii* (Literary science), Tehran: Intisharat Paya, 1382 hijr, 162 p.
4. Ishonch Zikrullah, Muhammad Alim Kohkan, *Uzbek adabietii farxangi* (Dictionary of Uzbek literature), For work: state printing house for work: Alisher Navoiy Farhangi conference publishing house. 1374 hijr, 370 p.
5. *Kalimoti Qur'oni karim* (The Holy Quran), Qum: Usva. 1388 hijr, 800 p.
6. Navoi Nizamuddin, *Faroiib us-sizar* (Miracles of childhood), Second volume, Moliziyo: Global Partners, 2008, 479 p.
7. Oltoy Nurullah, *Uzbek tili syzligi* (Uzbek language vocabulary), Moliziyo: Global Partners, 2007, 420 p.
8. Ranjbar, Ahmed, *Badiii* (In the science of artistry), Tehran: Asotir, 1385 hijr, 139 p.
9. Sanoyi Gaznavi Muhammadakbar, *Gulistoni latofat* (Beautiful flower garden), First edition, Peshavar: Intisharati Mayvan. 1382 hijr, 90 p.
10. Xurosoniy Muhammadhorun, *Badiii va baen* (Fiction and statement), Kabul: Intisharati Abid and Intisharati Muhammad Rafiq. 1394 hijr, 211 p.
11. Shamiso Sirus, *Nigoxi tozaii ba badiii* (Be artistic in the charm of your eyes), The Fourteenth pressure, Tehran: Intisharat Firdavs, 1383 hijr, 211 p.
12. Hafiziy Javzjani, Muhammad Yahya, *Adabii fanlar* (Literary Sciences), Javzjan: Zahiruddin Muhammad Babur conference publishing house, 1378-hijr, 162 p.